

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМАЛОВА МАЛИКА ИЛХОМОВНА

**ГЕМОРРАГИК ВА ИШЕМИК ИНСУЛЬТЛАРДА МИЯ
ТОМИРЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология
14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора филозофии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Камалова Малика Илхомовна

Геморрагик ва ишемик инсультларда бош мия
томирларининг морфологик хусусиятлари..... 3

Камалова Малика Илхомовна

Морфологические особенности сосудов головного мозга при
геморрагических и ишемических инсультах 23

Kamalova Malika Ilkhomovna

Morphological features of cerebral vessels in hemorrhagic and ischemic
strokes 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМАЛОВА МАЛИКА ИЛХОМОВНА

**ГЕМОРРАГИК ВА ИШЕМИК ИНСУЛЬТЛАРДА МИЯ
ТОМИРЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология
14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1396 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Исламов Шавкат Эржигитович

тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Хайдаров Нодиржон Кодирович

тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Расмий оппонентлар:

Рахимбаева Гулнора Саттаровна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расулов Хамидулла Абдуллаевич

тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н.Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти инсултни клиник кўриниш сифатида таърифлайди, бунда мия функциясининг ўчоқли ёки глобал йўқолишининг клиник белгилари тез намоён бўлади, 24 соат мобайнида давом этиб якуний натижага олиб келади ва қон томирлар ўзгаришидан ташқари ҳеч қандай бошқа сабаблар билан изоҳлаб бўлмайди. "...2018 йилга келиб, дунёда инсултдан ўлим даражаси 6,2 млн кишини ташкил этган, яъни ҳар 1000 аҳолига инсултнинг 1,0-3,0 ҳолати қайд этилган"¹. Ҳозирги вақтда инсулт дунёдаги ўлим ва ногиронлик ҳолатларининг асосий сабабчиси ҳисобланади. Ўзбекистон статистикаси бўйича ҳар йили 60 мингдан ортиқ янги инсулт ҳолатлари учрамоқда. Шу билан бирга, ҳар куни мамлакатда 160 дан ортиқ янги ҳолатлар қайд қилинмоқда. Биргина Тошкентнинг ўзида ҳар куни 25-30 та инсулт ҳолатлари кузатилади. Турли оғирлик даражасидаги когнитив бузилишлар мияда қон айланишининг ўткир бузилишини бошидан кечирган беморларнинг катта қисмида юзага келади ва функционал қайта тикланиш жараёнини секинлаштиради, такрорий инсулт ўлим хавфини оширади. Инсултдан қайта тикланиш даврида ҳам регресс, ҳам когнитив етишмовчиликнинг сезиларли даражада ўсиш эҳтимоли мавжуд.

Жаҳон миқёсида инсулт бўлган беморларда касалликнинг олдини олиш бўйича илмий тадқиқотларолиб борилмоқда. Церебрал инсултни ташхислаш ва қиёсий ташхислаш босқичларини оптималлаштириш, инсулт билан оғриган беморларни даволаш характери ва тўлиқлигини асослаш ҳам хорижий, ҳам маҳаллий муаллифлар томонидан ўрганилган. замонавий тиббий ёрдам даражасини янги даражага олиб чиқиш ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш учун, инсултни ташхислаш ва оқибатларини даволашда илғор илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида аҳоли учун ўта муҳим бўлиб ҳисобланиб, реабилитация даволаш босқичларида реабилитация салоҳиятини мезонларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш бўйича кўплаб мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада "...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва қулайлиги, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, патронаж ва клиник текширувнинг самарали моделларини яратиш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш орқали комплекс тадбирларни амалга ошириш..."² каби вазифалар белгиланган. Ушбу йўналишда репродуктив тизимнинг нурланиш таъсирида келиб чиқадиган

¹ WHO. World health statistics, 2013;WHO.Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018<https://www.who.int/world-health-day/2017/en/>,2017.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони

касалликлари, хусусан, онкологик касалликларни даволаш сифатини оширишда ижобий натижаларга эришилган бўлсада, соҳа мутахассислари учун илмий асосланган янги даволаш усуллари ишлаб чиқиш талаб қилинмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилиш эса нурланиш натижасида ривожланаётган онкологик касалликлардан ўлим даражасини камайтириш имконини яратиб, замонавий тиббий хизмат сифатини, диагностика қилиш ва даволашни янги даражага кўтариш, замонавий технологиялардан фойдаланишни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 – февралдан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича, Ҳаракатлар стратегияси” ПФ- 4947 – сон фармони, 2017 йилнинг 20 июнидан “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071 – сон қарори, 2018 йил 7 декабридан “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПФ – 5590- сон фармони, 2018 йил 30 августдан “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3925-сон қарори, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий - ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Церебрал инсульт ҳам дунёда, ҳам Ўзбекистонда клиник неврологиянинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Бу хасталиқнинг аҳоли орасида кенг тарқалганлиги, ўлимваногиронлик ҳолатларининг кўплиги билан тушунтирилади, шу билан бирга ушбу кўрсаткичларнинг сўнгги йилларда ўсиши кузатилган [Broderick J.P. et al., 2015; Purroy Garcia F. et al., 2018]. Инсультнинг ишемик ёки геморрагик характерини муайян белгилар уйғунлиги бўйича ташхислаш мумкин. ЦИ ривожланишининг клиник кўриниши, одатда, ўчоқли белгилар тўсатдан вужудга келиши билан тавсифланади. Инсультга ўз вақтида ва тўғри ташхис қўйиш учун шифокор неврологик кўрик вақтида ушбу касалликка хос бўлган асосий клиник- неврологик синдромларни (ўчоқли, бутун мияда, менингиал) аниқлай олиши ва бу бўйича билимга эга бўлиши зарур [Olivot J.M. et al., 2018; Wu W.C. et al., 2018]. Юқорида келтирилган илмий тадқиқотларга қарамадан, бош мияга қон қуйилишига қарши курашиш ва унинг оқибатларини олдини олишга қаратилган қатор масалалар морфологик жиҳатдан ўрганишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, эрта мослаштирилган ташхислаш ва унинг натижаларини таътбиқ этиш амалий жиҳатдан аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мия инфарктига функцияларнинг тобора бузилиши, касаллик аввалида ҳушида бўлиш каби олдин келувчи белгилар хос [Никитин А.С. ва ҳаммуал., 2018]. Бироқ хасталик камдан-кам ҳолатларда мазкур кўринишда кечади.

Қатор ҳолатларда қон қуйилиши дастлаб хушдан кетиш билан кузатилмайди ва неврологик белгилар маълум вақт давомида ортиб боради. Ишемик инсультнинг ноодатий кечиши янада кўп учрайди, бунда у ўта ўткир бошланиши, бир онда миянинг бошқа функцияларини ҳам йўқолиши билан характерланади [Крилов В.В., Петриков С.С., Солодов А.А., 2019].

Церебрал инсультнинг Ўзбекистонда тез суръатда тарқалаётганлиги, ишемик инсульт ва диабетга чалинган беморларни эрта реабилитацияси, аҳолининг урбанизацияси ушбу мавзунинг долзарблигини аниқлаб берган [Алиханова Н.М., 2018; Хайдарова Д.К., Ходжиева Д.Т.; 2019; Пулатов С.С. 2021].

Шунинг учун инсультнинг турига ташхис қўйиш учун, бошқа белгиларга эътибор бериш лозим [Хайдаров Н.К.2020]. Хасталикнинг ўткир давридан кейин реабилитация чора-тадбирларига риоя қилинган ҳолатда, энг замонавий ва қиммат даволаш ҳамда реабилитация усулларида эмас, кўплаб тиббиёт муассасаларида мавжуд шароитдан фойдаланиш реабилитация чораларининг самарадорлигини ошириш ва церебрал инсультни бошидан ўтказган аксарият беморларни ногиронликсиз, мустақил ҳаётга қайтариш имконини беради [Рахимбаева Г.С. 2021]. Ушбу тадқиқот натижалари, шубҳасиз, морфологик ва неврологик текширувлар сифати ва аниқлигига таъсир кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ №01.2019.0198 рақамли «Ўткир ва сурункали цереброваскуляр касалликлар, клинко – морфофункционал хусусиятларини ўрганиш» (2019–2022) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: Геморрагик ва ишемик инсультларда мия томирларининг морфологик хусусиятларини ўрганиш ва клиник натижалар билан таққослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

церебрал инсультларнинг турига боғлиқ равишда, морфофункционал ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

беморларда ва секцион ҳолатларда инсультларнинг асосий омилларини ўрганиш ва беморларда ҳаёт сифати сўровномаси ёрдамида демографик натижаларини баҳолаш;

геморрагик инсультларнинг морфологик текшириш усулининг аҳамияти, шунингдек, мия қон томир тизимини барча тизимли ва функционал даражаларда ўрганиш;

ишемик томирларнинг функционал ҳолатини баҳолаш, ишемик ва геморрагик инсультларни ёшга боғлиқ морфологик ўзгаришлар ва ҳамроҳ патологияларни ҳисобга олган ҳолда фарқлашнинг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида ишемик ва геморрагик инсультга доир 190 нафар ҳолат ўрганилиб, шундан 120 таси секцион ҳолат (Республика патологоанатомия марказида текширилган мурдалар 96 та, Республика суд тиббий илмий амалий маркази Самарқанд вилоят филиалида 24 та секцион

ҳолат). Тошкент тиббиёт академиясининг 3-сонли клиникасида 70 нафар клиник ҳолат, проспектив ва ретроспектив ўрганилиб, таҳлил қилиш маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Геморрагик ва ишемик инсульт ўтказган беморлар ва секцион ҳолатларнинг бош мия қон томирлари ўрганиш материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида морфологик, гистологик, клиник-неврологик, морфометрик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор геморрагик инсультнинг патогенезида миянинг гипоксияси ва ишемияси, унинг шишиши, томирлар ўтказувчанлигининг кескин бузилиши туфайли мия тўқималаридаги МЦЎ қон томирлари деворининг морфологик ўзгаришлар кузатилиши аниқланган;

ишемик инсультнинг патогенезида эластик толаларнинг зичлашиши кўринишидаги фиброэластози, фибрилляр тузилмаларнинг қайта тақсимланиши, микроциркулятор ўзан томирлари қон билан тўлалиги нотекис, томирларнинг айримларида тирқиши бўшаши аниқланган;

мия қон айланишининг бузилиши қайд этилган беморларда миянинг барча қисмларида ишемиянинг дастлабки босқичларида томирларда, айниқса, микроциркулятор ўзан томирларида паралитик кенгайиш кўринишида кенг тарқалган дисциркулятор ўзгаришлар кузатилиши аниқланган;

ишемик ва геморрагик инсультда бош мия томирларнинг параметрларини, ташқи ва ички диаметрларини ҳисоблаш асосида мия пўстлоғидаги микроциркуляр ўзан томирларининг морфометрик кўрсаткичларнинг функционал ҳолатини баҳолайдиган диагностик мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

геморрагик ва ишемик инсульт билан чалинган беморларда клиник ва морфологик текшириш натижалари таққосланиб, морофофункционал ўзига хос хусусиятларини аниқлашга асосланган;

тадқиқот натижаларидан турли хил этиология ва патогенезга эга бўлган мия қон томирларини морфологик ташхислаш мезонларини яратишга асосланган;

мия қон айланишининг бузилиши қайд этилган беморларни стандартлаштирилган текширишда фойдаланиш асосланган;

тадқиқотда олинган маълумотлар мия қон айланишининг бузилиши ривожланишини эрта босқичларда аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқишда аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

аҳолига шошилиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатишда даволаш-диагностика жараёни камчиликларини бартараф этиш ва олдини олиш ҳамда аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш бўйича эксперт тавсияларни ишлаб чиқилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, олинган натижаларнинг хорижий ва маҳаллий

тадқиқотлар натижаларига таққослаш, хулосалаш ва ваколатли тузилмалар томонидан олинган натижаларнинг тасдиқланиши билан асосланади. Хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ишемик инсультларнинг бош мия томирлари морфологияси морфологияси ва мия қон айланишининг бузилиши қайд этилган беморларда стандартлаштирилган бош мия инсультлари билан хасталанган беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга, касаллик вақтида ва асоратлари кузатилганда, самарали даво усуллари ишлаб чиқишга, шунингдек, тадқиқот натижаларидан амалий тиббиётда, анатомия, гистология, патологик анатомия, неврология фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Геморрагик ва ишемик инсультларда бош мия томирларининг морфофункционал кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бош мияда ўткир қон айланиши бузилишининг ўзгаришларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган "Ишемик инсультларда мия ичи қон томирларини текшириш усули" номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 апрелдаги 8 н-р/315-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ишемик инсульт қайд этилган беморларга амбулатория ва шифохона шароитларида дифференциал диагностика, тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш, ва морфологик ўзгаришларни аниқлаш имконини берган;

бош мияда геморрагик инсульт даврида бош мия томирларининг ўзгаришларини аниқлашда, морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган "Геморрагик инсультларда мия ичи қон томирларини текшириш усули" номли услубий тавсияномаси тасдиқланган, ҳамда соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика патологик анатомия илмий маркази, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасида ва Республика суд тиббий илмий амалий маркази Самарқанд вилоят филиалида амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 апрелдаги 8 н-р/316-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари амалиётга жорий қилиниши касалликнинг эрта ташхисланиши, унинг ривожланиш даражаси, асоратлар камайиши, беморлар учун шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, мия ичи қон қуйилиши ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9та илмий-амалий анжуман, жумладан, 3та ҳалқаро ва 6 та Республика миқёсидаги конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12та мақола, жумладан, 8 таси Республика ва 4таси хорижий журналларда нашр

этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Мия қон айланишининг ўткир бузилиши ҳақида замонавий қарашлар (адабиётлар таҳлили)”** ўрганилаётган мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий маълумотларининг таҳлил натижаси келтирилган, бош мия жароҳатлари билан хасталанган болаларни даволаш босқичларида реабилитация салоҳияти ва ҳаёт сифатини баҳолашни ўзига хосликларига боғлиқ равишда адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Геморрагик ва ишемик инсультларнинг клиник ва морфологик дифференциал диагностикаси жиҳатлари методикаси ва мониторинги бўйича клиник тавсифи ва тадқиқотнинг усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланган материал ва усуллар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотларнинг асосига Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг шаҳар даволаш стационарларида даволанган, инсультга эга 70 нафар беморни текшириш маълумотлари олинган. Дастлабки суткалар давомида 67,1% бемор госпиталга ётқизилди. ИИ билан оғриган беморларнинг ҳиссаси 65,4% ни, ГИ га эга беморлар 72,2- % ни ташкил этди. Касалликнинг биринчи 3-6 соатида 17,1% бемор госпиталга ётқизилди, улардан ИИ – 21,1% ва 5,5% - ГИ га эга. 32,9% беморлар касаллик бошланганидан 24 соат ўтиб госпиталга ётқизилди, улар орасида ИИ – 27,8 %, ГИ – 34,6% (1-жадвал).

1-жадвал

Церебрал инсультга эга беморларни госпитализация муддатларига боғлиқ равишда тақсимланиши

| Госпитализация муддатлари | ГИ | | ИИ | | Жами | |
|---------------------------|------|------|------|------|------|------|
| | Абс. | % | Абс. | % | Абс. | % |
| 3 соатгача | 4 | 22,2 | 7 | 13,5 | 11 | 15,7 |
| 6 соатгача | 1 | 5,5 | 11 | 21,1 | 12 | 17,1 |
| бир суткагача | 13 | 72,2 | 34 | 65,4 | 47 | 67,1 |
| бир суткадан зиёд | 5 | 27,8 | 18 | 34,6 | 23 | 32,9 |

Барча беморларда комплекс клиник-соматик, клиник-неврологик, лаборатор, функционал ва ускунавий тадқиқотлар ўтказилди. Беморларнинг клиник тадқиқоти қуйидагиларни ўз ичига олди: шикоятлар, анамнез тўпланиши, физикал усуллар, неврологик кўрик (Скоромец А.А. ва ҳаммуал., 2017), неврологик баҳолаш ўлчовларининг қўлланиши. Тиббий ҳужжатлар ўрганилди. Барча текширилганларга “беморларни текшириш картаси (сўровнома)” тўлдирилди. Ушбу анкета маълумотлари (жинси, иш жойи, рўйхатдан ўтган манзили, оилавий ҳолати, маълумоти), қатор клиник-эксперт, лаборатория, ускунавий кўрсаткичлар, баҳолаш ўлчовларининг маълумотларини ўз ичига қамраб олди. Сўровнома, шунингдек инсультнинг қуйидаги хавф омилларини ўз ичига олди: беморнинг ёши, АБ мавжудлиги, унинг давомийлиги, гипотензив терапиянинг самарадорлиги, церебрал гипертоник инқирозлар мавжудлиги, церебрал ва церебрал олди артерияларнинг стеноз ва окклюзиялари, анамнезда бош суяги в амнезия жароҳати, бошдан кечирилган инсульт, инфаркт миокарди, юракнинг эмбологен аритмиялари, чекиш, қандли диабет, гипокинезия, алкогольни меъёрдан ортиқ истемол қилиши, руҳий-ҳиссий юкланиш, юрак-томир касалликлари бўйича ирсий мойиллик, ортиқча тана вазни, дислипидемия, ижтимоий ва оилавий ҳолат, маълумоти. Асосий гуруҳда ишемик инсультсезиларли даражада кўпроқ кузатилди. Бу инсультнинг хусусияти ва эҳтимол даво-профилактика муолажалари ҳамда жарроҳлик аралашувлари билан боғлиқ эмболиялар хавфининг юқорилиги сабаблидир.

Коррелятив таҳлил учун инсультга хос бўлган ҳаёт сифати шкаласидан (SS-QoL) фойдаланилди.

SS-QoL – инсультни ўтказган шахсларда соғлиқ билан боғлиқ бўлган QoL ни баҳолашда махсус қўлланиладиган инструмент. SS-QoL ўз ичига 12 та соҳадаги 49 элементни олади, ҳар бир элемент 49 баллдан 245 баллгача вариацияланади, жавоблар варианты 1 баллдан 5 баллгача. Юқори натижалар саломатлик билан боғлиқ яхши ҳаёт сифатини кўрсатади. Анкетани тўлдириш учун касаллик тарихлари, гипертония пайдо бўлиши, камҳаракатлилиқ, чекиш, алкоголь истеъмол қилиш, дислипидемия, қандли диабет, ўтказилган инсульт, саратон, семизлик, юрак етишмовчилиги, тож томир касалликлари, ўткир миокард инфаркти, транзитор ишемик хуружлар, кардиомиопатия, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги, буйрак етишмовчилиги, периферик артериялар касалликлари ва наркотикларга ружу қўйишга оид тиббий қайдлардан фойдаланилди. Бу касалликлар халқаро мезонлар, тиббий карталар ва тиббий консултациялар асосида ташхисланган. Қўшимча тарзда қуйидаги ижтимоий-демографик ва клиник маълумотлар тўпланди: ёши, жинси, оилавий аҳволи, терисининг ранги, касби, реал меҳнат бозори ва инсультдан кейин иш жойининг эҳтимолий ўзгариши, инсультдан кейинги моддий ёрдам, бемор билан яшайдиган одамлар сони, даромади, маълумот даражаси, инсультлар сони, зарарланган мия ярим шари, инсультдан кейинги вақт, касалхонада бўлиш давомийлиги, инсульт ва биринчи даволаниш ўртасидаги вақт.

Тадқиқот натижаларига кўра, инсультга чалинган 70 беморнинг 75,8% да ўртача ёки оғир ногиронлик бўлган. SS-QoL га мувофиқ, бир нечта QoL

доменлари бузилган. Ҳаёт сифати сезиларли даражада салбий боғлиқ бўлди, бу эса функционал ҳолати паст ва инсультнинг клиник даражаси ўта оғир бўлган одамлар орасида ҳаёт сифатининг пастлигини кўрсатди.

Инсульт бўлган беморларнинг ижтимоий ҳолатига кўра, текширилганлар орасида ижтимоий-демографик ва клиник хусусиятларига келсак, уларнинг аксариятини эркаклар (70,0%) ташкил қилди, шундан никоҳда турганлар (65%) ва нафақахурлар (35%). Беморларнинг кичик қисми ишемик инсультдан кейин иш билан таъминланган (8,2%) ёки касбини ўзгартирган (1,8%). Беморларнинг ярмидан кўпи 65 ёшдан ошган, кам даромадли ва мактабга 4 йилгача қатнаган шахслар бўлди. Инсульт табиатига келсак, миянинг иккала ярим шарлари ҳам бир хил даражада зарарланганлиги аниқланган. Такрорий инсультлар частотаси бўйича бирламчи инсульт устунлик қилди – 80%, такрорий инсульт 20% беморларда ривожланди. Ишемик тури бўйича бирламчи инсультга 52,79% ҳолатда, такрорий ишемик инсультга 17,57% ҳолатда ташхис қўйилди. Бирламчи геморрагик инсульт текширилган беморларнинг умумий сонидан 27,3% беморда, такрорий инсульт 2,33% беморда ривожланди. Такрорий инсульт бирламчи эпизод бошланганидан 28 кундан кейин ривожланган ҳолатда қайд этилди. Ушбу шкала ҳар бир кўрсаткични турли градацияларга мувофиқ баҳолайди.

Бундан ташқари артериал гипертензия (87%), кам ҳаракатли турмуш тарзи (82%), чекиш (60%), алкоголизм (50%) ва дислипидемиянинг (48%) ҳам кенг тарқалганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **иккинчи бобнинг иккинчи қисмида** текширилган беморларнинг морфологик тавсифи, яъни 120 та секцион ҳолат (Республика патологоанатомик илмий-тадқиқот марказида 96 та ва 24 та секцион ҳолат ўтказилган Республика суд тиббий илмий амалий маркази Самарқанд вилоят филиалида ўрганиш натижасида ретроспектив амалга оширилди) ўрганилди.

Қўйилган мақсадга мувофиқ, церебрал инсультларнинг асосий гуруҳи турига кўра ГИ ва ИИ га бўлинди. Қуйидаги кўрсаткичлар баҳоланди: ёшга боғлиқ ва жинсий хусусиятлар, касаллик даврига боғлиқ неврологик нуқсон, шунингдек мия қон айланиши бузилишлари турига қараб церебрал инсультлар натижалари баҳоланди.

Секцион ҳолатларни ўрганиш учун суд-тиббий экспертизалари хулосалари ва патологоанатомик текширувлар баённомаларидан фойдаланилди. Текширувлар давомида параметрлар таснифини (инсульт тури, локализацияси, табиати, зарарланиш даражаси ва бошқалар.) ўз ичига олган махсус тадқиқот сўровнома-картасидан фойдаланилди, суд-тиббий экспертизаси хулосалари ва морфологик текширувлар баённомалари ўрганилди. 2-жадвалдан кўриниб турибдики, МҚАЎБдан ўлим ҳолатларида кўпинча биз касаллик клиникаси ҳақида маълумотга эга эмасдик, аммо бу маълумотлар тегишли тиббиёт муассасаларининг тиббий ҳужжатлари асосида ўрганилди. Зарарланишнинг оғирлиги туфайли жабрланганларнинг тез ўлими 13 кишида (10,8%) уйда содир бўлган, 14 кишида (11,7%) 6 соатдан кейин, 17 кишида (14,2%) ўлим тиббий ёрдам кўрсатилгунга қадар касалхонада, 24 соатдан кейин ўлим 26 кишида (21,7%), 29 та кишида

(24,2%) 48 соатдан кейин ўлим, 72 соатдан кейин ўлим 21 та кишида (17,5%) қайд этилган.

2-жадвал

Бош мия кон айланишининг ўткир бузилишидан кейин юзага келган ўлим вақтида қараб жабрланганларни гуруҳларга тақсимлаш, шахсий тадқиқотлар

| Гуруҳлар | Стационарга ётқизилгандан кейин ўтган вақт (ўлим содир бўлгунга қадар) | Жабрланганлар сони, (%) |
|----------|--|-------------------------|
| 1 | Тез ўлим | 13 (10,8%) |
| 2 | 6 соатдан кейин ўлим | 14 (11,7%) |
| 3 | 12 соатдан кейин ўлим | 17 (14,2%) |
| 4 | 24 соатдан кейин ўлим | 26 (21,7%) |
| 5 | 48 соатдан кейин ўлим | 29 (24,2%) |
| 6 | 72 соатдан кейин ўлим | 21 (17,5%) |
| Жами: | | 120 (100%) |


МҚАЎБ (мияда қон айланишининг ўткир бузилиши)дан вафот этганларнинг (120) мурдаларини секцион ўрганишда асосий қисми эркаклар -89 (74,2%), қолган 31 тасини (25,8%) аёллар ташкил қилди. Мурдаларнинг морфологик текшириш одатда ўлим содир бўлгандан кейинги биринчи сутка давомида ўтказилди.

Бош мияни текшириш қабул қилинган усуллар бўйича формалин эритмасида фиксациялангандан кейин ўрганиб чиқилди. Миядан олинган бўлакчалар 72 соат давомида 10% нейтрал формалинда фиксацияланиб, сўнгра 3-4 соат давомида оқар сувда ювилди. Депарафинлаш кесмалардан уч порцияли ксилолда ҳар бири 3-5 дақиқадан бажарилди. Ксилол 100°C спирт ёрдамида 2-3 дақиқа давомида олиб ташланди. Кесмалардан спирт ўткирлик даражаси пасайиб борувчи спиртларда– 96⁰ ва 70⁰ ҳар бирида 2-3 дақиқа ушлаб туриш орқали бартараф этилди, сўнгра дистилланган сувга 1-2 дақиқа солиб қўйилди. Кесмалар ван Гизон (томирлардаги коллаген толалар ва миоцитларни аниқлаш), Вейгерт (томирлардаги эластик толаларни аниқлаш) усуллари бўйича, ҳамда гематоксилин ва эозин билан бўялган. Бунда МЦЎ томирларига, гематомаларнинг жойлашган ўрнига (перифокал соҳа, ёки гематомалардан узоқроқ масофада) алоҳида эътибор қаратилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ишемик ва геморрагик insultларни диагностика қилишнинг дифференциал мезонлари”** деб номланган бўлиб, ушбу бобнинг биринчи қисми **“Церебрал insultларнинг клиник-неврологик тавсифи”** деб номланиб, унда ишемик ва геморрагик insultнинг клиник - неврологик тавсифи текширувлари таҳлили келтирилди. Назоратга олинган ишемик insult билан касалланган беморларда, insultни АБ фониди бошидан кечирган 71,6% бемор ажратилган, 32,1% беморда – ҚД, 16% беморда варикоз касаллиги кузатилган. Мазкур контингентдан 28,4% беморда insultнинг сабаби ЮИК бўлган.

Жойлашуви бўйича мия ичидаги гематомалар қуйидагича тақсимланган: пешона гематомалари 10,8% ни (18 нафар бемордан 6 нафариди); медиал 9,0 % (18 нафар бемордан 5 нафариди); латерал ва аралаш


мия ичи гематомаси 7,2 % (18 нафар бемордан 4 нафарида); мияча ичи гематомалари – 3,6% (18 нафар бемордан 2 нафарида), бош мия поясида мия ичи гематомалари – 1,8% (18 нафар бемордан 1нафарида) ни ташкил қилди.



1-расм. Беморларнинг ГИ ва ИИ ривожланишининг этиологик омили бўйича тақсимланиши


Ўрганилаётган беморларнинг 38,9 % (18 нафар бемордан 7 нафарида)да 50 мл дан зиёд кўп миқдорда қон кетиши аниқланган, 27,8% беморда (18 нафардан 5 нафар беморда) – ўртача гематомалар (20-50 мл) ва 33,3% ҳолатда (18 нафардан бнафарида) – кичик ўлчамли гематомалар аниқланган (20 мл гача).

ГИ га эга беморларнинг мия ичидаги гематомаларнинг ҳажми бўйича тақсимланиши ИИ нинг турлари бўйича тақсимланишга кўра, гемодинамик аҳамиятга эга БЦА стенозининг аниқланган аломатлари билан атеротромботик тури 23,1% беморларда (52 нафар бемордан 12 тасида) аниқланди, кардиоэмболик тури 26,9% (52 нафар бемордан 14 тасида) ҳолатда қайд этилди, бунинг сабаби аксарият ҳолатларда юрак бўлмасининг фибрилляцияси (ЮФ) бўлган. Кўпроқ симптомли стеноз ва ЮФ ни уйғунлаштирувчи аниқланмаган тури 17,3% (52 нафар бемордан 9тасида) ҳолатда қайд этилган, 17,3% беморда (52 нафар бемордан 9 тасида) – бошқа этиологияли ишемик инсульт белгиланди, улар орасидан 7,7% беморда лакунар турга ташхис қўйилди (52 нафар бемордан 4тасида), 1,9% ҳолатда– гемодинамик (52 нафар бемордан 1 тасида) ва 5,8% ҳолатда (52 нафар бемордан 3 тасида) инсультнинг сабаби белгиланмади.



2-расм. Беморларнинг ишемик инсультнинг тури бўйича тақсимланиши


Церебрал гемодинамиканинг энг заиф бассейни уйқу артериялар тизими бўлган (3-расм). 24 нафар беморда (45,7%) ИИ чап каротид бассейнда ривожланди, 20 нафар (44,4%) беморда эса – ўнг каротид бассейнда, 8 нафар беморда (9,9%) эса – вертебробазилляр бассейнда кузатилган. Шу билан бирга, чап каротид бассейнда ИИ ривожланиш тенденцияси ҳам эркаклар, ҳам аёлларда қайд этилди.



3- расм. Беморларнинг артериал бассейнларга мос равишда, ишемик ўзгаришлар соҳасига боғлиқ равишда фоиз нисбати

Ушбу бобнинг иккинчи қисми **“Ишемик ва геморрагик инсультнинг ускунавий тавсифи”** деб номланди.



Ўткир босқичдаги ИИ да (0 – 5 сутка) ИИ га эга 14 нафар беморлар орасида МРТ, биринчи навбатда миянинг цитотоксик ва вазоген шишининг ривожланиши туфайли келиб чиққан, бош мия паренхимасидаги бузилишларни аниқлаш имконини берди. Шу билан бирга шикастланиш ўчоқлари Т2-ВИ да аниқ кўринди ва сигналнинг юқори интенсивлиги бўлган соҳалар кўринишига эга бўлди, бу вақтда Т1-ВИ да кам интенсивликдаги сигналларни аниқлади. Ишемик инсультнинг эрта даврларида шикастланиш ўчоқларини чегаралари ноақнилиги ва “хиралиги” кўринишидаги ўзгаришларнинг ўзига хослиги диққатни ўзига тортади (4-расм).



4-расм. Бемор Ж.Д. 74 ёшда. Таламус соҳасида гематома (эрта ўткирдан олдинги босқич). МР-томограммаларда таламус соҳасида чап томонда Т1-ВИ да, периферия бўйлаб гиперинтенсив соҳалар билан паст сигнал хуудлари аниқланади. Т2-ВИ да 5,3x4,2x4,0 см ўлчамли гиперинтенсивлик соҳаси билан ўралган, гипоинтенсив марказга эга ҳалқа аниқланади. Миянинг чап ён қоринчаси сиқилган. Бош миянинг ўрта тузилмалари ўнга, 0,6 см га силжиган.

5- расмдан кўриниб турибдики Варолий кўприги соҳасида чап томонда Т2-ВИ да диаметри 0,8 см юқори сигнал ўчоғи кўринади. Т2-ВИ да 0,6 см гача юқори сигнал ўчоқлари перивентрикуляр аниқланади. Миянинг


қоринчалари, субарахноидал соҳа мўтадил кенгайган. 25 нафар беморда ишемик инсультдан эрта қайта тикланиш даврида Т2-ВИ да инфарктнинг аниқ чегараларга эга худудлари кузатилади, уларда сигнал интенсивлиги юқори бўлди (5-расм). Т1-ВИ да гипоинтенсивлик фонида баъзида протеиннинг юқори миқдори билан боғлиқ, майда баланд сигнал соҳалари аниқланади.




5- расм. Бемор К.Л. 65 ёшда; Варолий кўпригининг инфаркти (ўтқир босқич).

Шундай қилиб, МРТ инсультларда нур диагностикасининг энг кўп маълумот берувчи усули ҳисобланади ва инсультнинг турини, касалликнинг босқичини, шикастланиш ўчоғининг тарқалганлиги ва жойлашувини аниқлаш имконини беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Мия тўқималаридаги МЦЎ қон томирлари деворининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш методологияси**”. Мия тўқималарининг етарли миқдорда қон билан таъминланиши учун церебрал қон оқими чап ва ўнг ички уйқу артериялари ва умуртқа артериал тизими билан озиқланади. Ички уйқу артериялари бош миянинг катта қисмини қон билан таъминлайди ҳамда бош миянинг олд ва ўрта мия артерияларига бўлинади. Мия тўқималарида МЦЎ микротомирларининг барча турлари учрайди: артериолалар, прекапиллярлар, капиллярлар, посткапилляр венулалар ва венулалар. Бош мия тўқимасида соматик ёки узлуксиз типдаги капиллярлар мавжудлиги қайд этилади ва уларнинг тешигининг диаметри 6-11 мкмни ташкил қилади. Эндотелиоцитлар бир-бири билан зич ва ёпишқоқ десмосомал контактлар орқали боғланади, хужайралараро каналларсиз ва тешикларсиз яхлит тўшама ҳосил қилади. Базал мембрана узлуксиз, яхши ифодаланган, у алоҳида ётадиган перицитларни ўз ичига олади (6-расм).



6-расм. Бош мия капилляр тўқималарининг девори хужайрали ва толали элементларнинг боғланишлари туфайли узлуксиз тузилишга эга. Бўёк: Г-Э. катталаштириш: 10x40




7-расм. Бош мия капилляр тўқимаси девори юққа базал мембрана ва жипс ёпишган эндотелиал ва перицитар хужайралар билан ифодланади. Бўёк: Г-Э. катталаштириш: 10x40


Бундай капиллярлар юқори барьер хусусиятларига эга. Эндотел хужайраларининг қалинлиги турли капиллярларда бир хил эмас ва

периферик соҳаларда 200 нм дан 1-2 мкмгачаядро атрофи зонасида 3-5 мкмгача бўлади. Эндотелиал ҳужайралар бир-бирига оддий адгезив, жипс ва ёриқсимон контактлар ёрдамида уланади. Эндотелиоцитлар цитоплазмаси транспорт пиноцитоз пуфакчаларга бой. Қон томир деворининг фаол компоненти бўлган эндотелий ҳужайралараро турли муносабатларда иштирок этади: қон ҳужайралари, қон томир девори ҳужайралари ва бошқа ҳужайравий элементлар билан. Мия капиллярларининг базал мембранаси нозик фибрилляр ярим ўтказувчан пластинкадир (7-расм). У чегараловчи, таянч ва тўсиқ вазифаларини бажаради. Базал мембрананинг ташқи юзасида перицитлар жойлашган – келиб чиқиши мезенхимал бўлган ясси ўсиқсимон ҳужайралар. Уларнинг цитоплазмасида актинли ва миозинли микрофиламентлар мавжуд. Перицитлар эндотелий билан ёриқсимон ва зич боғланишлар ёрдамида боғланади.

Капиллярлар деворининг тузилиш хусусиятларини ўз ичига олаувчи органик ўзига хослиги, шунингдек уларнинг ташқи кўриниши, зичлиги ва жойлашиш геометрияси, органларнинг тузилиши ва функциявий хусусиятлари билан боғлиқ. Эластик толаларни аниқлаш бўйича Вейгерт усулида ўтказилган гистокимёвий тадқиқотларда аниқландики, бош мия капиллярлари деворидаги эластик толалар ингичка, кам сонли ва кулранг-кўк фибрилляр тузилмалар кўринишида намоён бўлади (8-расм). МЦЎ нинг узоклаштирувчи томирлари майда венулалар - капиллярларнинг бирлашувидан келиб чиқадиган, диаметри 12-30 мкм бўлган томирлардан ҳосил бўлади. Кичик венулалар йирикроқ венулаларга келиб қўшилади ва кўп сонли анастомозларга эга бўлган мураккаб тизимни ҳосил қилади. Қон оқиш йўллариининг шаклланиши анча мураккаблиги, узунлиги, йўналишларининг хилма-хиллиги ва айланма йўллариининг кенглиги билан ажралиб туради. Қон томир ўзаниининг бу қисми орган ва тўқималарнинг функционал мақсадига кўра кўплаб структуравий ўзгаришларга дуч келади (9-расм). Шу сабабли венулаларнинг қуйидаги турлари фарқланади: посткапилляр, жамланма ва мушак. Жамланма венулаларида (диаметри 30-50 мкм) перицитлар янада кўп бўлиб, узлуксиз қатлам ҳосил қилади. Яққол ташқи қобик пайдо бўлади.



8-расм. Бош мия капиллярлари деворида эластик толаларнинг кулранг-кўк фибрилляр тузилмаларининг мавжудлиги. Бўйаш: Вейгерт усулида. Катталаштириш: 10x40.




9-расм. Бош мия тўқимасининг посткапилляр венуласи, девор эластик мембраналар, яқка-ярим перицитлар ва эндотелиоцитлар билан ифодаланади. Бўйаш: Г-Э. Катталаштириш: 10x40.


Ушбу бобнинг иккинчи қисми “Геморрагик инсультда мия тўқималарининг майда томирларидаги патоморфологик ўзгаришлар”

деб номланади. Беморларнинг барчасида геморрагик типдаги мия қон айланишининг ўткир бузилиши (МҚАЎБ) ташхисланган. Уларнинг 16 нафари (66,7%) 20 ёшдан 72 ёшгача бўлган эркаклар, 8 нафари (33,3%) 33 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар. Барча секцион ҳолатларнинг 64%да мия ичи катта гематомалари бош мия ярим шарларида жойлашганлиги кузатилди: ёнбош ёки латерал - 53%, ўрта - 15%, аралаш - 32%. Геморрагик ўчоқлар ҳажми 40 см³ дан ортиқ бўлди. Кузатувларнинг 16 %да мия пояси ва миёча ярим шарларида массив (катта ўлчамли) қон қуйилишларини кўриш мумкин.

Геморрагик инсультда мия тўқимасини микроскопик текшириш натижалари шуни кўрсатдики, асосий патоморфологик ўзгаришлар МЦЎнинг барча томир компонентлари деворида қайд этилади. Бош мия тўқимасида артериялар ва артериолалар пўстлокнинг юза қатламларида ва менингеал пардалар остида аниқланади. Геморрагик инсультда артерия деворида эндотелиал хужайраларнинг яссиланиши, десқвомацияси ва базал мембранани қопловчи хужайраларнинг бўлмаслиги кўринишидаги юза нуқсонларининг пайдо бўлиши қайд этилади. Эластик мембрана алоҳида толали бойламларнинг толаланиши ва ғадир-будурланиши ҳисобига қалинлашади (10-расм). Бундан ташқари, мия тўқималарининг хужайра элементлари, хусусан гипертрофия ва гиперхромазия ҳолатидаги глиалар, уларнинг баъзилари катта макрофаг хужайраларга айланади. Артерия девори нотекис юпқалашади, бунда эндотелиал хужайралар яссиланади, эластик мембрана фибриноид шиш ҳолатида, мушак хужайралари якка-ярим ва эластик мембраналардан кўчади (11-расм).



10-расм. Геморрагик инсультда артерия девори қаватларининг юмшаши
Бўяш: Г-Э. Катталаштириш: 10x40.




11-расм. Геморрагик инсультда мия тўқимасида артерия атрофида қон қуйилиши.
Бўяш: Г-Э. Катталаштириш: 10x40.

